

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ АЙЛАНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатиш, улар ноқонуний айланишининг олдини олиш, пиротехника воситалари намойиш қилинадиган маданий томоша тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чора-тадбирларини кучайтириш, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш вақтинча тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

3. Белгилансинки, барча пиротехника воситалари олиб қўйилиши ва кейинчалик белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг ҳудудий бўлиналари билан келишган ҳолда

пиротехника воситаларини сақлаш ва йўқ қилиш жойларини белгиласинлар.

4. Бозорлар, савдо комплекслари ва корхоналарнинг раҳбарлари ўз ҳудудларида пиротехника воситалари савдоси ва сақланиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишга шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огоҳлантирилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бир ой муддатда пиротехника воситалари айланиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашни жорий этишга доир тақлифлар киритсинлар, лицензия талабгорларига ва лицензиатларга қўйиладиган аниқ лицензия талаблари ва шартларини назарда тутсинлар.

6. «Ўзстандарт» агентлиги бир ой муддатда пиротехника воситаларини ишлаб чиқиш, сертификатлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда мажбурий бўлган хавфсизликнинг умумий талабларини белгиладиган давлат стандартини тасдиқласин, шунингдек уларни хавфлилик даражаси бўйича таснифласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда пиротехника воситаларини ташиш, сақлаш ва уларни утиллантириш қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига пиротехника воситаларининг ноқонуний айланиши учун жавобгарликни

кучайтириш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўқувчилар ва ёшлар, уларнинг ота-оналари ўртасида пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришга доир чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари пиротехника воситаларининг ноқонуний айланиши ҳолатларини ёритсинлар, шунингдек ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бурсинлар.

11. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар ташкил этилиши ва ижро этилиши учун жавобгарлик Ички ишлар вазирлиги (Матлюбов), Давлат солиқ кўмитаси (Парпиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

2009 йил 10 декабрь
309-сон.

САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ НАШРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларни миллий сайлов қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, сиёсий партияларнинг сайловда иштироки, сайловолди ташвиқотини юритиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиши ҳамда депутатларнинг сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланиш тартиби ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа муҳим масалалар билан таништиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда миллий сайлов қонунчилигимизга бағишланган рисоалар туркуми ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Мазкур рисоаларни тайёрлашга ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари жалб қилинди. Рисоаларнинг ҳар бири миллий сайлов қонунчилигимизнинг алоҳида жиҳатларига бағишланган.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунчилик ва унинг демократик жиҳатдан такомиллаштирилиши» мавзусидаги рисолада мамлакатимиз парламентида депутатларни сайлаш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, парламент сайлови тўғрисидаги қонунларнинг мустақиллик йилларида босқичма-босқич такомиллаштири-

лиши ва аҳамияти очиб берилган. «Сайлов ва сиёсий партиялар» рисоласида юртимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига сайловларда иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари баён этилган, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинган.

«Сайловолди ташвиқоти» рисоласида сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқотининг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари, миллий қонунчиликда ташвиқотни ўтказишнинг асосий қоидалари ва ушбу жараён иштирокчиларига қўйиладиган талаблар, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган

тамойиллари ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси баён этилган.

«Сайлов ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати» рисоласида мамлакатимизда экология соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил топиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастурий мақсад ва вазифалари, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларнинг айрим нормаларининг мазмун-моҳияти ёритилган.

«Сайлов жараёни ва ошқоралик», «Округ сайлов комиссияси: ташкилий-ҳуқуқий масалалар», «Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов: саволлар ва жавоблар», «Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари», «Парламент сайловига оид атамаларнинг изоҳли луғати», «Участка сайлов комиссиялари: ташкилий-ҳуқуқий масалалар» каби рисоалар қонунчилик меъёрларини тушунтиришга бағишланган.



Умуман, рисоаларда мамлакатимизда сайловни ўтказишга оид асосий тамойиллар, сайлов жараёнига, унинг ошқоралиги ва очиқлигига, халқаро сайлов стандартлари ва уларнинг миллий қонунчилигимизга сингдирилишига оид масалалар кенг ёритилган. Муҳими, барча маълумотлар аниқ ва тушунарли тилда баён этилган.

Мазкур адабиётлар бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда катта амалий аҳамият касб этади. Марказий сайлов комиссияси томонидан барча округ ва участка сайлов комиссиялари ушбу рисоалар билан тўла таъминланди. Ҳар бир фуқаро ўз сайлов участкасида мазкур рисоалар билан танишиш, миллий сайлов қонунчилигимиз ҳақидаги ўз билимини бойитиш ва парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловга оид ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб топиш имконига эга бўлди.
Ў.А.

УШБУ
СОҲДА

1-бет
Пиротехникага
йўл йўқ

\$1 = 1510,03 сўм

3-бет
Маслаҳатни
юрист беради

€1 = 2227,59

4-бет
Ходимни қисқартириш
қоидалари

£1 = 2445,04 сўм

5-6-бетлар
Янги қонун
ҳужжатлари

¥10 = 170.49 сўм



INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2010
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс:
(99897) 119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ИНТЕРНЕТ-НАШР

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш юзасидан кенг кўламли иш-хотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат асосида 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

«СIB GROUP» компанияси мамлакатимиз ва хоризда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишини янада кенг ёритиш мақсадида интернет тармоғида янги лойиҳа – «СIB.UZ» ахборот-таҳлил интернет-нашрини жорий қилди. Ушбу нашрни www.cib.uz манзили бўйича топиш мумкин.

«СIB GROUP» компанияси 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, ахборот-тижорат хизматлари кўрсатишга их-

тисослашган. У нашриёт ва матбаа, интернет-лоийҳалар соҳасида таҳлил қилиш, маслаҳат бериш, ишбилармонлик тадбирларини ташкил этиш, транспорт хизматлари каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «UNICON.UZ» маркази ва БМТ Ривожланиш Дастурининг «Ўзбекистонни ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида кўмаклашиш» лойиҳаси ёрдамида ташкил қилинган мазкур янги нашрнинг вазифаси барча манфаатдор шахсларга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида долзарб ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш имконини яратишдан иборат.

Ушбу интернет-нашрда тақдим этилаётган материалларда иқтисодийнинг ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилаётган барча жабҳалари қамраб олинади. Нашрни тарқатиш географияси фақат Ўзбекистон билан чекланмайди. Ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлашга тегишли тармоқларнинг тажрибали мутахассислари жалб этилади.

ЭНЕРГЕТИКЛАР СЕМИНАРИ

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонунини ўрганиш ва қўллаш бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналари, магистрал ва ҳудудий электр тармоқлар раҳбарлари, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан электр энергетикаси соҳасида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва 2009 йилнинг 30 сентябрида кучга кирди. Ушбу қонунда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш борасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ қоидалари белгилаб берилган. Электр энергиясини ишлаб чиқаришдан истеъмол қилишга бўлган жараёнда ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятини белгилайдиган нормалар электр энергетикаси соҳасида муносабатларни тартибга соладиган тизимни янада аниқлаштиради.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Б.Тешабоев бугунги кунда Ўзбекистон энергия тизими иқтисодий тармоқлари ва мамлакатимиз аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб, уни экспорт қилаётганини таъкидлади. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини, мамлакатимиз ягона электр энергетика тизимининг ишончли ишлашини, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла таъминлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қароридан ҳам энергетика стратегияси ўз ифодасини топган.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядор-

лик компанияси мамлакатимизнинг ягона электр энергетика тизими доирасида электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилмоқда, соҳада комплекс техника сиёсатини юритмоқда. Компания таркибига 54 та корхона ва ташкилот киради. Қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 38 та инвестиция лойиҳаси соҳани мувоzanатли ривожлантиришга ёрдам беради. Уларнинг амалга оширилиши энергия тизимининг барқарор ишлашига эришиш, истеъмолчиларни электр энергияси билан ишончли таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви такомиллаштириш мақсадида 2011 йилгача ўз корхоналари, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишни кўзда тутмоқда. Тизимнинг шаклланган оптимал ишлаш тартиби ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

АГАР ҲИМОЯЧИ БОШҚА ШАХСНИ ҲИМОЯ ҚИЛСА



Жиноий ишлар бўйича суд мажлисида судланувчининг ҳимоячиси икки компания фуқаро даъвогарининг вакили – адвокат Н.ни, у тўққиз йил аввал судланувчига бошқа жиноий иш бўйича юридик ёрдам кўрсатганлиги боис, ишда иштирок этишдан четлатиш тўғрисида илтимоснома тақдим этди.

Суд тарафларнинг фикрини тинглаб, ушбу илтимосномани қондирди. Фикримизча, у кўриб чиқилаётган жиноят ишининг ҳолатларига доир тўлиқ ахборотга эга бўлган адвокат Н.ни суд жараёнидан олиб ташлаш мақсадида тақдим этилган, чунки у икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида кўрсатилган икки компаниянинг манфаатларини хўжалик ва фуқаролик судларида ҳимоя қилган, айни уларнинг хусусий ажримлари асосида кўриб чиқилаётган жиноят иши қўзғатилган.

Тақдим этилган илтимоснома моҳиятга кўра асосиз ва қонунчилик талабларига қуйидаги асосларга кўра зиддир. «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, «адвокат МУАЙЯН иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахсларнинг манфаатларига зид келган ...юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас».

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун 14-моддасининг тўртинчи қисмига кўра «тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади». Баён этилганлар муносабати билан ва «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 27 декабрдаги) Жиноят процессуал кодексидан (1994 йил 22 сентябрь) кейинроқ қабул қилинганлиги ҳамда кўрсатилган норматив ҳужжатлар тенг юридик кучга эгаллигини инобатга олиб, мазкур ҳолда Жиноят процессуал кодексининг 79-моддаси 4-бандининг ва «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг қоидалари тафовут қилганда «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг қоидалари амал қилади.

Баён этилганларга асосланганда адвокат Н.ни четлатиш учун асос мавжуд эдимиз?

АФ директори.

– Жиноят процессуал кодексининг (бундан кейин – ЖПК) 79-моддасининг 4-бандига мувофиқ фуқаровий даъвогарнинг вакили фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатган бўлса, жиноят ишини юриштишда иштирок этишга ҳақли эмас.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахсларнинг манфаатларига зид келган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Шу тариқа, агар ЖПК бирор-бир вақтда у ҳимоя қилаётган шахсга қарама-қарши тараф шахсига қандайдир хизмат кўрсатган адвокатни ишда иш-

тирок этишга умуман йўл қўймаса, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун эса ушбу талабни кўриб чиқилаётган иш доиралари билан чеклайди. Икки қонун ҳужжатининг тафовут қилиши яққол кўринади. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун 14-моддасининг тўртинчи қисмига кўра тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади. Юқорида кўрсатилган қонунлар тенг юридик кучга эгаллиги боис, кўриб чиқилаётган вазиятда «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг нормаси амал қилади деган ҳулоса чиқариш мумкин.

Ушбу нормаларни қўллашга доир низоларнинг олдини олиш учун уларни бир-бирига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖ
эксперт-юристи.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 15 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юриштиш, шунингдек боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1367,79	1 Малайзия ринггити	442,95
1 Англия фунт стерлинги	2445,04	1 Польша злотийси	531,64
1 Дания кронаси	296,60	1 СДР	2403,20
1 БАА дирҳами	411,15	1 Туркия лираси	1004,21
1 АҚШ доллари	1510,03	1 Швейцария франки	1459,53
1 Миср фунти	275,50	1 ЕВРО	2227,59
1 Исландия кронаси	12,04	10 Жанубий Корея вони	13,03
1 Канада доллари	1422,54	10 Япония иенаси	170,49
1 Хитой юани	221,16	1 Россия рубли	49,98
		1 Украина гривнаси	189,07

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	17.12.2009	1	0,8032	1	1,1558	1	0,0265
Арманистон	17.12.2009	1	377,91	1	543,02	1	12,29
Беларусь	18.12.2009	1	2870	1	4133,66	1	94,29
Грузия	17.12.2009	1	1,6793	1	2,4442	1	5,561
Қозоғистон	17.12.2009	1	148,8	1	216,68	1	4,94
Қирғизистон	12.12.2009	1	43,9768	1	64,8196	1	1,4557
Латвия	18.12.2009	1	0,488	1	0,702804	1	0,0161
Литва	18.12.2009	1	2,3966	1	3,4528	10	7,8748
Молдова	17.12.2009	1	12,3135	1	17,9395	1	0,4068
Тожикистон	18.12.2009	1	4,3793	1	6,2712	10	1,4349
Ўзбекистон	15.12.2009	1	1510,03	1	2227,59	1	49,98
Украина	17.12.2009	100	797,02	100	1160,4611	10	2,8393
Эстония	17.12.2009	1	10,8899	1	15,6466	1	0,353523

Манба: www.prime-tass.ru

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

– Сайловга бағишланган янги нашрлар
– Агар ҳимоячи бошқа шахсни ҳимоя қилса
– Энергетиклар семинари
– Валюталар курси

1-2-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Цехдан шуъба корхона ташкил этиш йўли

– Муаммо чиқарувчи буюртмачилар
– Мухр билан тасдиқланг

3-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ҳисобга олиб бўлмайдиган
– Камроқ ишлайсиз
– Қисқартиришга тушса ҳам зарур кўрмади

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
– ЎзР ТИАИСВ, МВ, ДБКнинг «Энг

қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МАИМКВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ИВ, МВ, Давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг «Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

5-6-бетлар

• топ

7-8-бетлар

ЦЕХДАН ШУЪБА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛИ



Хурматли таҳририят, тадбиркорлик фаолиятини юритиш, хўжалик юри-тувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ муайян муаммоларни тушунтиришдаги ёрдамнинг учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бухоро вилоятидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи кўпгина инспекцияларда газетангизни қизиқиш билан ўқий-

дилар, унда чоп этиладиган жавоблар ишимизни анча енгиллаштиради. Чунончи, газетангизнинг 2009 йил 19 октябрдаги сониде филиалларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини юритиш тартиби тўғрисида тушунтириш бергансиз¹, у инспекцияларда юзага келадиган кўп саволларга жавоб берди. Шу муносабат билан яна бир саволга жавоб беришингизни сўрайман.

Акциядорлик жамияти бизга ўзининг таркибий бўлинмаси бўлган қурилиш-монтаж фирмаси (ҚМФ)ни шуъба корхона сифатида рўйхатдан ўтказиш (айлантириш) тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Ушбу ҚМФда ўзининг СТИР коди, ҳисоб-китоб рақами, унга КТУТ ва ХХТУТ кодлари берилган ҳолда вилоят статистика бошқармасида рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси, муҳр ва штамплар, шунингдек мазкур фирма юридик шахс ҳисобланмаслиги кўрсатилган устав мавжуд. Бизда АЖ таркибий бўлинмасини жамиятнинг шуъба корхонасига айлантириш мумкинми деган савол туғилди. Агар мумкин бўлса, СТИР ва КТУТ кодлари аввалгидек қоладими? АЖ раҳбарияти инспекциядан расмий жавоб берилишини талаб қилмоқда – акс ҳолда улар суд органларига шикоят билан мурожаат қиладилар. Шу муносабат билан тушунтириб берсангиз, инспекция 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорга кўра ноюрдик шахсни АЖ шуъба корхонасига қайта ташкил этиш кўринишида рўйхатдан ўтказиш оладими?

М.Абдуллаев,
тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг ходими.

– Фуқаролик кодексининг (бундан кейин – ФК) 49 ва 50-моддаларига мувофиқ шу жумладан айланттириш шаклида қайта ташкил этиш тушунчасидан фақат юридик шахслар учун фойдаланилади. Юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси, ФК 47-моддасининг маъносидан келиб чиқилганда, мазкур шахс жойлашган жойдан ташқарида ўрнашган юридик шахснинг бир қисми ҳисобланади. Бундан ФКнинг 49 ва 50-моддалари қодаларида алоҳида бўлинмани қайта ташкил этиш назарда тутилмаган деган хулоса чиқариш мумкин.

Алоҳида бўлинма асосида шуъба хўжалик жамиятини ташкил этиш учун² Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига³ 1-илова) ёки Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор

қилиш тартиби тўғрисида низом (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига⁴ илова, бундан кейин – ПҚ-357-сон Низом) талабларига мувофиқ филиал негизида янги ташкил этилган юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш зарур. Яъни, аслини олганда, филиал мол-мулки асосида юридик шахс ташкил этилиши лозим.

Бунинг учун ариза берувчи жойлашган жойдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига шахсан келиш ёки почта орқали ПҚ-357-сон Низомга 1-иловага биноан шаклда ариза тақдим этиш лозим, унга қуйидагилар илова қилинади:

– белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган, икки нусхада таъсис ҳужжатларининг давлат тилидаги асл нусхалари (масъулият чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказиш органларига тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари бўлиб таъсис шартномаси ва устав, акциядорлик жамиятла-



ри учун эса – фақат устав ҳисобланади); давлат божи тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати (давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган АЖлардан ташқари); айнан бир хил ёки аралаштириб юбориш даражасига қадар ўхшаш фирма номларининг йўқлиги тўғрисида маълумотноманинг асл нусхаси;

– асл нусхада муҳр ва штамп эскизлари; муассисларнинг ҳар бири томонидан унинг устав фондидеги улуши миқдорининг камида 30 фоизи киритилганлиги тасдиғи.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси қонун билан белгиланган тартибда юридик шахсни ҳисобга қўйиб, унга янги СТИР ва тегишли статистика кодларини бериши керак.

Филиал раҳбарияти юридик шахснинг розилиги билан ўзига маълум бўлган барча кредиторлар ва дебиторларни филиал фаолиятини тўхтатиши тўғрисида хабардор қилиб, унинг негизиде юридик шахс ташкил этиш ҳуқуқига эгадир. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 26 апрелдаги 223-1-сон) 8-моддаси тўртинчи қисмининг талабларига мувофиқ АЖ алоҳида бўлинмаси фаолиятини тугатиш учун юқорида айтилган Қонун билан белгиланган тартибда АЖ уставига тегишли ўзгартишлар киритиш лозим, бундан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясини хабардор қилиш керак.

¹«Норма маслаҳатчи», 42 (223)-сон, «Филиал ва бош компания».

²ФКнинг 67-моддасига мувофиқ агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондидеги улуши миқдорининг маъносида эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шуъба хўжалик жамияти (ШХЖ) юридик шахс ҳисобланади, бироқ бунда, ФК 40-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳисобланмайди, айни шу сабабли у айтиб ўтилган мақолада саналган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (ОАЖ, МЧЖ, ҚМЖ ва ҳоказо) ташкил этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши керак.

ФК 71-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шуъба корхона) ташкил этиши мумкин, яъни ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича шуъба корхона Фуқаролик кодексининг нуқтаи назаридан олганда фақат унитар корхона бўлиши мумкин.

³Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан тақомиллаштириш тўғрисида».

⁴Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида».



Корхонамизнинг асосий фаолияти бинолар ва иншоотларда ўлчов асбобларини ўрнатишдир. Бюджет ташкилотларида бажарилган ишлар ҳажмидан ягона солиқ тўловини тўлашга доир биздан қарз вужудга келди. ДСИга Солиқ кодексининг 64-моддасига мувофиқ дебиторларимиздан қарзни ундириш мақсадида солиштирма далолатномалар тақдим этганимизда бизга бюджет ташкилотларига инкассо топшириқномаларини қўйиб бўлмайдиган деб жавоб беришди. Корхона дебиторларининг сони ошиб борапти, баъзиларининг тўлаш муддати 6-8 ой аввал тугаган. Бу эса фаолиятимизга салбий таъсир қиляпти. Дебиторлик қарзини ундириш учун бюджет ташкилотларига қандай таъсир чораларини кўриш мумкин?

Бундан кейин бюджет ташкилотлари билан ишлашда нимага эътибор қаратиш керак? Ишга ҳақ тўланиши учун биз қандай қафолатларни талаб қилишимиз мумкин?

О.Урчинов,
ХК директори.

МУАММО ЧИҚАРУВЧИ БУЮРТМАЧИЛАР

– Солиқ кодексининг 64-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари ундирувчи солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратади. Агар муайян сабабларга кўра у бундан рад этса, сиз дебиторлик қарзини ундириш учун хўжалик судига суд буйруғини бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин (Хўжалик процессуал кодексининг 14-боби). Аризага кредитор ва дебиторнинг раҳбарлари ёки тегишли ваколатга эга шахслар имзолаган, тўғри расмийлаштирилган солиштирма далолатномани илова қилиш зарур.

Суд буйруғини бериш муддати – 10 кун. Давлат божи судда низолаштирилган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг 50 фоизини ташкил этади (ХПКнинг 102 ва 106-моддалари). Бироқ агар дебитор неустойкани ёки ўзининг ҳаракатлари билан етказилган зарарни тан олмаса, фақат асосий қарз суммасини ундириш мумкин.

Дебиторнинг томонидан қарз суммаси низолаштирилганда сиз хўжалик судига уни ундириш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат этишингиз зарур. Фуқаролик кодексининг 260-263 ва 327-моддаларида ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонун-



нинг (1998 йил 29 августдаги 670-1-сон) 32-моддасида кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун неустойка (пеня ёки жарима) ундириш назарда тутилган, юқорида келтирилган Қонун 32-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ у кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бюджет ташкилотлари ёки шунга ўхшаш бошқа ташкилотлар билан бундан кейинги ишлашда сиз:

– олдиндан 100 фоиз ҳақ тўланиши шартларида;

– аккредитив бўйича ишлаб низолаштирилган ҳалос бўлишингиз мумкин (Фуқаролик кодекси 45-бобининг 3-параграфи).

МУҲР БИЛАН ТАСДИҚЛАНГ



Куйидаги саволларга жавоб берсангиз.

Воситачилик шартномасида айни қандай товар реализация қилишга берилаётганлиги, унинг ўлчов бирлиги ва қиймати тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас, буларнинг ҳаммаси мазкур шартномага илова ҳисобланган қабул қилиш-топшириш далолатномасида акс эттирилади. Тарафларнинг ушбу далолатнома остидаги имзоларини муҳр билан тасдиқлаш керакми? Бу қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади?

Воситачилик шартномасига доир қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича товар олинаётганда уни олиш учун юкхат зарурми ва унда товар олиб чиқиладиган автотранспорт акс эттириладими?

Р.Раимов,
адвокат.

– Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (ички ишлар вазирининг АВ томонидан 2001 йил 27 октябрда 1077-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 1-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ, муҳр – ваколатли шахс томонидан у билдирган истак-хоҳишининг ёки бошқа ахборотнинг ҳақиқийлигини кўшимча равишда расман тасдиқлаш учун ишлатиладиган восита. Яъни муҳр юридик ёки жисмоний шахсни ва унинг битим тузиш учун истак-хоҳишини идентификациялаш имконини беради.

Шу билан бирга асосий муҳр юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахсни ташкил этмайдиган деҳқон хўжалиги номидан чиқадиган ҳужжатларни тасдиқлаш учун ишлатилади. Шартномалар, ишончномалар, банк ҳужжатлари ҳамда пул ва моддий воситаларни тасарруф этиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар фақат асосий муҳрлар билан тасдиқланади.

Шу сабабли қабул қилиш-топшириш далолатномасини ҳар бир тарафнинг муҳрлари билан тасдиқлаш зарур.

Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомнинг (молия вазирининг АВ томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 9-бандига мувофиқ товар-моддий бойликларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана кўрсатилади. Яъни аслини олганда товар-моддий бойликларни олишга юкхат товарни қабул қилиш-топшириш далолатномасидир, унинг учун қонун ҳужжатлари товар олиб чиқиладиган транспортни кўрсатиш талабини белгиламаган бошқа шунга ўхшаш ҳужжат мавжуд эмас.

NORMA Мақола электрон маълумотнома тизим материаллари асосида тайёрланди

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимов майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Жавобларни «Norma» МЧЖ эксперт-юристи
Артём ОТСТАВНОВ тайёрлади.

ҲИСОБГА ОЛИБ БЎЛМАЙДИ



Газетангизда «иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар» иборасини бир неча бор учратганман. Бундай ходимларнинг қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган рўйхати мавжудми?

Газетхон.

– Ҳозирги вақтда Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган, иш ҳақининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ходимлар тоифалари рўйхати (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига* 8-илова) амал қилмоқда. Унга мувофиқ бундай ходимларга:

юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат олган шахслар;

деҳқон хўжаликлари аъзолари; меҳнат шартномалари бўйича хусусий шахсларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи шахслар қиради.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

*«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни рўйхатида чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида».

КАМРОҚ ИШЛАЙСИЗ



Корхонамизда тушумнинг ҳажми анча камайди. Шу муносабат билан иш берувчининг ташаббуси бўйича баъзи ходимларни тўлиқсиз иш кунига ўтказмоқчимиз.

Ушбу таомилни қандай ҳужжатлар билан расмийлаштириш мумкин?

К.Қосимова, бухгалтер.

– Ишлар (маҳсулот, хизматлар)ни сотиш ҳажми қисқарганида иш берувчи **ходимнинг розилигисиз** меҳнат шартларини, шу жумладан иш вақтининг муддатини ҳам ўзгартиришга ҳақли (*Меҳнат кодексининг 89-моддаси, бундан кейин – МК*).

Тўлиқсиз иш кунига ўтказилганда куйидагилар ёзма кўринишда расмийлаштирилади:

меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгариш тўғрисида билдирувнома. Ходимлар камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилиб, улардан тилхат олиниши шарт. Бунинг учун билдирувноманинг ўзига буйруқ билан таништириш варағи илова қилиниши керак;

тўлиқ бўлмаган иш кунини жорий этиш тўғрисида раҳбарнинг буйруғи (*МК 96-моддаси*);

ходим билан тузилган меҳнат шартномасидаги ўзгаришлар.

Тегишли ўзгаришлар ички меҳнат тартиби қоидаларига ҳам киритилиши керак. Улар билан таништирилганликлари далилини ходимлар ўз имзолари билан тасдиқлашлари керак.

Агар ходим янги меҳнат шартларида ишлашга рози бўлмаса, у меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда иш берувчи унга мазкур ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаши шарт (*МК 89-моддасининг тўртинчи қисми*).

Ходим иш берувчининг меҳнат шартлари ўзгариши ҳақидаги огоҳлантириши билан имзо чекиб танишидан бош торгандан иш берувчи бу ҳақда тегишли далолатнома тузиши зарур.

Ходим иш берувчи томонидан меҳнат шартлари ўзгартирилганлиги устидан судга шикоят қилишга ҳақли. Бунда иш берувчининг зиммасига аввалги меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини исботлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Огоҳлантириш муддатини қисқартириш учун иш берувчи ходим билан тегишли битим тузиши зарур. Агар у имзо чекиб розилигини тасдиқлаган ҳолда 2 ойлик муддат ўтгунча янги меҳнат шартлари жорий этилишига рози бўлса, иш берувчи ходим янги шартларда иш бажаришга рози бўлган санагача аввалги меҳнат шартларини сақлаши керак.

Шунингдек Меҳнат кодексига белгиланишича, бўлажак ўзгаришлар бўйича иш берувчи:

ходимларнинг корхонадаги вакиллик органлари (касаба уюшмаси ташкилоти) билан олдиндан маслаҳатлашувлар ўтказиши;

маҳаллий меҳнат органига ўзгаришларнинг сабаблари тўғрисида ахборот тақдим этади (агар ходимларнинг салмоқли гуруҳи учун тўлиқ бўлмаган иш кунини белгиланса).

Жавоб «Норма Эксперт» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланди.

ХОДИМГА ЭСЛАТМА

ҚИСҚАРТИРИШГА ТУШСА ҲАМ ЗАРАР КЎРМАД

ЁКИ ШТАТ ҚИСҚАРТИРИЛИШИДА ИШДАН БЎШАТИЛАДИГАН ХОДИМЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ МЕҲНАТ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА



Корхона (ташкilot) штати қисқартирилганида ишдан бўшатиладиган ходимларга Ўзбекистоннинг амалдаги меҳнат қонунчилиги бир қатор ижтимоий меҳнат кафолатларини беради. Ўз ҳуқуқларингиз бузилишига йўл қўймаслик ва манфаатларингизни ҳимоя қилиш учун уларни билишингиз керак. Бунда сизга бугун чоп этилаётган «Ходимга эслатма» ёрдам беради.

1. Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, бундан кейин – МК).

МИСОЛ. 2009 йил 2 ноябрда ходим унинг лавозими қисқартирилиши муносабати билан 2010 йил 2 январидан ишдан бўшатилиши хусусида ёзма равишда огоҳлантирилди.

Ходимга огоҳлантириш муддати мобайнида ҳафтада камида 1 кун ишга жойлашиш мақсадида бошқа жойни излаши учун ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади (бу вақт учун иш ҳақи сақланади). Огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврлари, шунингдек ходим томонидан давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариш вақти киритилмайди (*МК 102-моддасининг олтинчи қисми*).

1.1. Ходим ишдан бўшатирилганида:

– иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош торгган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин. Ходим ўзининг хоҳишига қараб маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилишга ёки мустақил равишда ишга жойлашишга ҳақли (*МКнинг 92-моддаси*);

– малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқори-роқ бўлган ходимларга ишда қолиш учун устувор ҳуқуқ берилади. Малака ва меҳнат унвондорлиги тенг бўлганда МК 103-моддаси* ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

1.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга куйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

– ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида (*МК 100-моддасининг учинчи қисми*);

– башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб (*МК 101-моддаси*);

– ҳомилдор аёллар ва 3 ёшгача боласи бўлган аёллар билан (*МК 237-моддаси*);

– ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар

билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади (*МК 246-моддаси*);

– вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ходимлар билан;

– вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан – маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб (*МК 25-моддаси*).

2. Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига кўра, 2 ойлик муддат тугагач бекор қилади.

МИСОЛ. 2010 йил 4 январда ходим МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига кўра ишдан бўшатилади.

Унга куйидагилар тўланади:

– ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси (*МК 109-моддаси*);

– меҳнат шартномаси бекор қилинган кундаги, яъни 2010 йил 4 январдаги иш ҳақи (*МК 110-моддасининг биринчи қисми*);

– фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллрар учун пулли компенсация (*МК 151-моддасининг биринчи қисми*).

2.1. Иш берувчининг буйруғида Меҳнат кодекси моддаларининг формулировкаларига аниқ мувофиқликда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари кўрсатилиши керак (*МК 107-моддасининг учинчи қисми*).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш сабаблари (асослари) тўғрисидаги ёзувлар ходимнинг меҳнат дафтарчасига қайд этилмайди (*МК 81-моддасининг учинчи қисми*).

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини бериши керак (*МК 108-моддаси*).

2010 йил 4 мартдан кейин ходим меҳнат дафтарчасини тақдим этиб (*ишга жойлашмаганлигини тасдиқлаш учун*), иккинчи ой учун ўртача иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақасини олиш ҳуқуқига эгадир (*МК 67-моддаси*).

Агар у меҳнат шартномаси бекор қилинганда кейин 10 календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида (Бандликка кўмаклашиш марказида) иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса,

*Хусусан, куйидагиларга афзаллик берилади:

1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртлирини, ҳунар-техника билим юртлирини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;

5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки қўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

**Ходим бўлажак ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантирилганидан кейин жами 5 ой учун – яъни 2 ой учун (огоҳлантириш даври) + шартнома бекор қилинган пайтда бир ой учун ва Бандликка кўмаклашиш ҳудудий марказида рўйхатдан ўтказилиш шarti билан, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин иш излаш даврида 2 ой учун ишдан бўшатиш нафақаси сингари кафолатли тўловлар олиш ҳуқуқига эгадир.

аввалги иш жойидан Бандликка кўмаклашиш маркази берган маълумотнома бўйича учинчи ой учун ҳам (2010 йил 4 апрелидан кейин) ўртача иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақасини олиши мумкин.

3. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пулли компенсация билан алмаштирилиши мумкин (МК 102-моддасининг иккинчи қисми). Бу ҳолда ходимга меҳнат муносабатларини бекор қилиш ва 2 ойга пулли компенсация ҳамда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини олиш имконияти берилади (*МК 109-моддаси*).

МИСОЛ. 2009 йил 2 ноябрда ходим унинг лавозими қисқартирилиши муносабати билан 2010 йил 2 январдан бошлаб у билан меҳнат муносабатлари бекор қилиниши тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилди. Ходим уларни дарҳол бекор қилишга рози бўлди.

2009 йил 2 ноябрда ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра меҳнат муносабатлари бекор қилинади (*МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди*).

Унга куйидагилар тўланади:

– огоҳлантириш муддати вақтига мувофиқ келадиган, яъни 2 ой учун пулли компенсация (*МК 102-моддасининг иккинчи қисми*);

– ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси (*МК 109-моддаси*);

– меҳнат шартномаси бекор қилинган кундаги, яъни 2009 йил 2 ноябрдаги иш ҳақи (*МК 110-моддасининг биринчи қисми*);

– фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллрар учун пулли компенсация (*МК 151-моддасининг биринчи қисми*).

2010 йил 2 январдан кейин ходим аввалги иш жойидан меҳнат дафтарчасини кўрсатиб иккинчи ой учун нафақа олишга ҳақлидир (*МК 67-моддаси*).

Бандликка кўмаклашиш марказида меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин 10 календарь кун мобайнида иш изловчи шахс сифатида рўйхатдан ўтказилиб, у 2010 йил 2 февралдан кейин аввалги иш жойидан маҳаллий меҳнат органи берган маълумотнома асосида учинчи ой учун ҳам нафақа олиш ҳуқуқига эгадир**.

4. Ходимнинг хоҳишига кўра меҳнат келишувини қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам бекор қилиш мумкин. Шу жумладан:

– ўз хоҳишига кўра (*МК 99-моддаси*);

– тарафлар келишувига кўра (*МК 97-моддасининг 1-банди*).

Бироқ меҳнат муносабатларини ушбу асосларга кўра бекор қилган ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди ва ишга жойлашиш даврига ўртача ойлик иш ҳақи сақланмайди, яъни унга қонунда назарда тутилган имтиёзлар ва компенсациялар тақдим этилмайди.

5. Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳат бериш ишларини амалга оширади. Иш берувчи камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказига маълум қилиши шарт (*МК 102-моддасининг еттинчи қисми*).

Эслатмани Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг юридик бўлими мудири Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР ТИАИСВ, МВ, ДБКнинг «Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР МАИМКВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР ИВ, МВ, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ ЯРАТГАН ҲОЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМЛАР ИМЗОЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР РЎЙХАТИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 ноябрда
426-6-сон билан рўйхатга олинган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 48-сон, 520-модда)

Тошкент шаҳрида 2008 йил 13 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ўртасида Савдо Битими 2009 йил 30 сентябрдан кучга кирганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1998 йил 1 апрелда, Молия

вазирлиги томонидан 1998 йил 2 апрелда 23-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 3 апрелда 02/19-2-сон билан тасдиқланган Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига (рўйхат рақами 426, 1998 йил 8 апрель) иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*2009 йил 4 декабрдан кучга киради.

Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги
Э.ФАНИЕВ.
ЭГ-01/10-7262-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
109-сон

Давлат божхона қўмитаси
раиси
С.НОСИРОВ.
01-02/18-28-сон

Тошкент ш., 2009 йил 16 ноябрь.

ЎзР ТИАИСВ, МВ, ДБКнинг 2009 йил 16 ноябрдаги ЭГ-01/10-7262,
109, 01-02/18-28-сон қарорига ИЛОВА

ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ ЯРАТГАН ҲОЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМЛАР ИМЗОЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧА

1. Индонезия алфавит тартибда рўйхатга киритилсин.
2. Ушбу қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 16 НОЯБРДАГИ ПФ-4152-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 26 ноябрда 2049-сон
билан рўйхатга олинган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 48-сон, 521-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, сти-

пендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

*2009 йил 6 декабрдан кучга киради.

муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2009 йил 11 августдаги 50 ва 82-сонли «Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1995, 2009 йил 18 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 34-сон, 376-модда) қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А.ХАЙТОВ.
72-сон

Молия вазири Р.АЗИМОВ.
113-сон

Тошкент ш., 2009 йил 24 ноябрь.

ЎзР МАИМКВ ва МВнинг 2009 йил 24 ноябрдаги 72, 113-сон қарорига ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 16 НОЯБРДАГИ ПФ-4152-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига асосан пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2009 йилнинг 1 декабридан қуйидагиларнинг энг кам миқдори белгиланади:

энг кам иш ҳақи – ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 74 660 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 45 220 сўм.

2. 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш ва қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида, иловага мувофиқ янги йиллар бўйича дифференцияланган тузатувчи коэффицентлар ўрнатилди.

3. Пенсияларни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatта олинади (37 680 сўм x 8 = 301 440 сўм).

4. Янги тузатувчи коэффицентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорда бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиришда ўртача бир ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 301 440 сўм (37 680 сўм x 8) билан чегараланиб, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ тўлиқ пенсия тайинлаш учун тўлиқ иш стажига эга бўлмаган тақдирда, пенсия қайта ҳисоблашда бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (37 680 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

ЎзР Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон Фармони бўйича Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШДА ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИ ТЕНГЛАШТИРИШ УЧУН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР

Даврлар	Коэфф.	Даврлар	Коэфф.
1971 йил йилга қадар	1555,1	1994 йил I июлдан	764,1
1971 йил	1515,5	1994 йил I августдан	626,4
1972 йил	1477,8	1994 йил I сентябрдан	544,5
1973 йил	1430,6	1994 йил I ноябрдан	422,5
1974 йил	1334,6	1995 йил I январдан	422,5
1975 йил	1305,3	1995 йил I мартдан	213,8
1976 йил	1277,3	1995 йил I сентябрдан	164,6
1977 йил	1241,8	1996 йил I январдан	164,6
1978 йил	1200,1	1996 йил I апрелдан	122,4
1979 йил	1176,5	1996 йил I сентябрдан	85,4
1980 йил	1146,3	1997 йил I январдан	85,4
1981 йил	1124,7	1997 йил I июлдан	59,4
1982 йил	1124,6	1998 йил I январдан	59,4

Даврлар	Козфф.	Даврлар	Козфф.
1983 йил	1103,9	1998 йил 1 июлдан	43,2
1984 йил	1103,7	1999 йил 1 январдан	35,4
1985 йил	1090,4	1999 йил 1 августдан	27,6
1986 йил	1077,3	2000 йил 1 августдан	17,98
1987 йил	1051,8	2001 йил 1 августдан	12,84
1988 йил	982,6	2002 йил 1 апрелдан	11,17
1989 йил	921,7	2002 йил 1 августдан	9,7
1990 йил	831,8	2003 йил 1 майдан	8,09
1991 йил	573,9	2004 йил 1 августдан	6,22
1992 йил 1 январдан	169,7	2005 йил 1 майдан	5,18
1992 йил 1 июлдан	79,3	2005 йил 1 октябрдан	4,32
1992 йил 1 октябрдан	38,1	2006 йил 1 июлдан	3,6
1993 йил 1 январдан	28,1	2006 йил 1 ноябрдан	3,0
1993 йил 1 апрелдан	20,1	2007 йил 1 августдан	2,4
1993 йил 1 июндан	8,6	2007 йил 1 ноябрдан	2,18
1993 йил 1 июлдан	5,5	2007 йил 1 декабрдан	2,0
1993 йил 1 сентябрдан	4,2	2008 йил 1 апрелдан	1,78
1993 йил 1 ноябрдан	2,57	2008 йил 1 сентябрдан	1,48
1994 йил 1 январдан	1,92	2008 йил 1 ноябрдан	1,41
1994 йил 1 мартдан	1,15	2008 йил 1 декабрдан	1,33
1994 йил 1 июндан	0,77	2009 йил 1 августдан	1,07
		2009 йил 1 декабрдан	1,0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ТЕНДЕР ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШДА
МАМЛАКАТИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИГА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИЛИШИ
МОНИТОРИНГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 49-сон, 528-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 72-модда) ва

2003 йил 3 июлдаги 302-сон «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*2009 йил 12 декабрдан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири
С.БЕКЕНОВ.
89-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
105-сон

Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси
раиси
Б.ХОДЖАЕВ.
7-сон

Тошкент ш., 2009 йил 2 ноябрь.

ЎзР ИВ, МВ, Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 89, 105 ва 7-сон қарорига
ИЛОВА

**ТЕНДЕР ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШДА МАМЛАКАТИМИЗ ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИЛАРИГА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИЛИШИ МОНИТОРИНГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш

чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон «Тендер савдоларини

ташқил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 72-модда) ва 2003 йил 3 июлдаги 302-сон «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилишининг тизимли мониторингини (кейинги ўринларда мониторинг деб юритилади) амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Мониторинг товарлар, ишлар ва хизматлар давлат хари-ди (Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби-га), шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар маблағлари ҳисобига харид қилиш доирасида амалга ошириладиган тендер ва танлов савдо-ларида (кейинги ўринларда тендер ва танлов савдолари деб юритилади) иштирок этишда мамлакатимиз корхоналари – ишлаб чиқарувчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган 20 фоизгача миқдорда нарх преференцияларининг қўлланилишини таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бюроумачи – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тендер ва танлов савдоларини ўтказиш орқали товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга оширадиган ташкилот; **капитал қурилиш** – янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

бошланғич нарх – бюроумачи томонидан ёки унинг бюроумачиси бўйича жалб қилинган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

энг юқори нарх – тендер савдолари тўғрисидаги ахборотда кўрсатилган сотиб олинadиган товарнинг энг юқори нархи;

тендер ва танлов савдоларининг предмети – тендер ва танлов савдолари натижалари бўйича сотиб олиниши мўлжалланаётган товар, иш ва хизмат.

II. МОНИТОРИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

3. Бюроумачи оммавий ахборот воситаларида тендер ва танлов савдолари натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида юқори турувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органларига мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ маълумотларни тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхасини илова қилган ҳолда тақдим этади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасига кирмайдиган бюроумачи оммавий ахборот воситаларида тендер ва танлов савдолари натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ маълумотларни тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхасини илова қилган ҳолда:

Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш юзасидан тендер савдолари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланadиган устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар маблағлари ҳисобига товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш юзасидан тендер савдолари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига;

марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхта-тиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан

боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш юзасидан тендер ва танлов савдолари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) тақдим этади.

5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улар томонидан ўтказилган тендер ва танлов савдолари натижалари бўйича, жумладан идоровий мансуб бюоумачилардан олинadиган маълумотлар асосида:

мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда умумлаштирилган таҳлилий материалларни тайёрлайдилар;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари – тендер ва танлов савдолари иштирокчиларига нарх преференциялари берилиши бўйича қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган материалларни таҳлил қиладилар ва тегишли таҳлилий маълумотномани тайёрлайдилар;

ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай тайёрланган таҳлилий маълумотнома ва умумлаштирилган таҳлилий материалларни бюоумачилардан олинган материалларни, жумладан тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълонларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда, мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ тендер ва танлов савдоларини молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этадилар.

6. Тендер ва танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда, тендер ва танлов комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида бюроумачи томонидан тендер ва танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилишининг сабаблари кўрсатилган хат мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ тендер ва танлов савдоларини молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этилади.

Бунда, хатга тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхаси илова қилинади.

7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек бюоумачилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига материалларни қоғоз ва электрон шаклларда тақдим этадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, шунингдек бюоумачилардан олинadиган материаллар асосида, тааллуқли қисми бўйича, мамлакатимиз корхоналари – ишлаб чиқарувчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх преференцияларининг қўлланилишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, йиғма таҳлилий маълумотнома ва йиғма таҳлилий материалларни тайёрлайдилар.

9. Мониторинг натижаларига кўра, тааллуқли қисми бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тайёрланган йиғма таҳлилий маълумотномалар ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тегишли йиғма таҳлилий материалларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

III. ЖАВОБГАРЛИК


10. Мазкур Низомга мувофиқ маълумот тақдим этадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек ташкилотлар раҳбарлари ўтказилган тендер ва танлов савдолари натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига бериладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтида топширилиши учун шахсан жавобгардирлар.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.ҒАНИЕВ.

2009 йил 2 ноябрь.

*1 ва 2-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди.



ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 51 (232) 2009 йил 21 декабрь



«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчама 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

САМАРАЛИ ХУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМ

- ✓ Konica Minolta рангли рақамли босма тизимлари
- ✓ Тўлиқ рангли ва монохром кўп функцияли офис тизимлари ҳамда Konica Minolta лазерли принтерлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмаҳоналари
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари



- Барча ускуналарга 1 йиллик кафолат
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар
- Фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори

Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: info@atcturon.uz. www.atcturon.uz

ҚУРИЛИШЛАРДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

Хурматли қурувчилар ва ишчи-хизматчилар!

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги 626-Ф-сонли фармойишига асосан 23 ноябрдан 23 декабргача республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Азим Тошкентимизда йил сайин қурилишлар кўлами тобора ортиб бормоқда, қуриб битказилаётган бинолар шахримиз кўркіга кўрк қўшмоқда. Айниқса Шайхонтоҳур туманида қурилаётган бинолар ўзининг бетакорлиги билан кўзга кўриниб турибди. Лекин шахримизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, қурилиш масканларида содир бўлаётган ёнғинларни эътироф этмасдан илож йўқ. Ёнғинларнинг аксарияти қурилиш вагонларида юз бериб, уларнинг асосий сабаблари электр иситиш асбобларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши оқибатида содир бўлмоқда.

Ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» мобайнида туман ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан қурилишларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда, ҳар бир қурилишда «Қурилиш уйчаси» рейди ўтказилиб, текширувлар



мобайнида қурувчилар, газ-электр пайвандчилари билан суҳбатлар ўтказилмоқда ҳамда керакли йўл-йўриқлар берилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги мавзусида рангли плакат ва эслатмалар тарқатилиб, тарғибот ишлари кучайтирилди.

• Юқорида баён этилганларни ҳамда ҳаво ҳарорати пасайишини инобатга олиб, Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ сизлардан қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингизни сўрайди:

• Қурилиш уйчаларида электр иситиш анжомларидан, вақтинчалик электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, газ баллонлари ва энгил ёнувчи моддаларни сақлаш тақиқланади.

• Қурилиш уйчалари жойлашган ҳудуд бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши керак.

• Пайвандлаш ишлари соз ҳолатда бўлган, ҳар томони ёпиқ, изоляцияланган электр пайвандлаш ускуналарида олиб борилиши керак.

• Қурилиш материаллари палапартиш тўкилишига, махсус техник йўналиш йўлларини тўсиб қўйишига йўл қўйманг.

• Қурилиш майдонига қурилишга дахлдор бўлмаган шахслар, болаларнинг киришига ва қурилиш ҳудудида очик оловдан фойдаланилишига йўл қўйманг.

• Ёнғин чиққанда дарҳол 01 рақами орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига қўнғироқ қилиб, ёнғинни барча мавжуд воситалар билан ўчириш керак.

Нурулло ҲАЙДАРОВ,
Шайхонтоҳур туман ИИБ
ЁХБ инспектори,
катта лейтенант.

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

QUVVAT® ишлаб чиқаради

Узбекистон бозоридда 12 йил

ЭЛЕКТРОН СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР SUMMATOR-3

Товарлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

Ангрен ш. +(99870) 662 44 77, +(99893) 182 46 57, Тошкент ш. +(99898) 300 22 67
E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига судлар департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари томонидан Фарғона вилоят ҳўжалик судининг 25.10.07 й. 15-07-06-/10972, 25.10.07 й. 15-07-06/10970, 27.11.07 йил 15-07-03/12124-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 62-уйда жойлашган «Уз-Саламан» ҚКга тегишли қурилиш эгаллаган майдони – 1 476,93 кв. м, фойдали майдони – 5 165,13 кв. м, тўрт қаватли маъмурий бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 496 890 231 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 21 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги бино-иншоотлар 2010 йил 21 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур бино-иншоотларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 9 февраль куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Савдога қўйилган бино-иншоотлар билан Фарғона вилоят суд департаменти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.


Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8-373-224-68-70 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилоят филиалининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, ИНН: 200933850, х/р: 20210000700571452023.

Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй.

Тел. 224-68-70. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.



ТОП

237-51-33

237-47-20

237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

Инсоният қадимдан олов билан ҳамнафас яшаб, ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келган. Айни кезде ҳам оловдан турмушда, иш жойларида эҳтиёткорлик билан фойдаланиш эъзига инсон ҳаёти фаровонлашиб, юксак маданият даражасига кўтарилиб бормоқда.



Лекин кундалик турмушимизда ундан фойдаланишда доимо хушёр бўлишимиз талаб этилади. Ёнғин оддий вазиятларда, ҳатто болаларнинг гугурт ўйнашлари оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин. Аслида, болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилишимиз ва тартибга солишимиз, ёнғин оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Ҳар бир уй соҳиби рўзгор юмушларини бажаришда фақат созланган электр асбоб-

ларидан фойдаланиши, уларни назоратдан четда қолдирмаслиги лозим. Бунинг учун уй бекалари ушбу анжомларга озгина аҳамият қилишса кифоя, ўзингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлади.

Уйдан чиқаётганда газ асбобларини ва электр чиқроқларини ўчириш лозим. Электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиш ҳоллари ва газ иситиш плиталари анжомларининг қаровсиз қолганлиги ёнғин содир бўлишига олиб келади.

Азиз ҳамюртлар! Оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлинг, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, меъёр талабларига тўла ва аниқ риоя қилишга ҳаракат қилинг. Шуни унутмангки, ёнғиннинг олдини олиш уни ўчиришдан кўра анча осон ишдир.

Ж.ҚАЛАНДАРОВ,
Шайхонтоҳур туман ЁХБ
кичик инспектори, сержант.

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

• РҲҲАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 2 декабрдаги ажримларига асосан Бўка туманидаги қарздорлиги бўйича банкротлик иши очилган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	СТИР	Ажрим рақами
“Турдибой Майрам” ФХ	300487074	11-0906F19736(19)
“Худойберди Барака” ФХ	206697603	11-0906F19735(19)

Мазкур корхоналар бўйича кредиторлар йиғилиши 2009 йил 21 декабрь куни соат 10.00 да Бўка туман ДСИ биносида ўтказилади. Манзил: Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 1-уй.
Тел.: 150-59-27, 150-64-67.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 4 декабрдаги 10-0907/17409-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яққасарой туманидаги “OBOD-RAHIM SAVDO” МЧҲ (юридик манзили: Жийдазор кўчаси, 7-уй) банкрот деб эътироф этилган ва тугатув жараёни бошланган. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штаплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхонага нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яққасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 9 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	СТИР	ОКПО	Қарор рақами
“SONLI” ХФ	203713347	18245400	10-0904/17696
“Спецсельхозмонтаж Трест” ДАЖ	300541918	05944585	10-0904/17609
“А.Д.А.” ХФ	201059624	15355418	10-0904/17692
“OLIM-FARM” ХФ	203864136	18373612	10-0904/17585
“JAMSHID DONIYOR” ХФ	203278556	17706520	10-0904/17694
“SHOSHIY” ШК	203934396	18413530	10-0904/17691
“GAZSIFAT” МЧЖ	204034202	18522762	10-0904/17699
“SHER BILDING” МЧЖ	204081177	18583982	10-0904/17687
“ATA-SAVDO” ХФ	204128495	18658318	10-0904/17693
“BATO-PLYUS-BIZNES” ХФ	206602704	21161322	10-0904/17686
“SOS MEXNAT” МЧЖ	204805341	19319052	10-0904/17611
“INTER AVIA LINE” МЧЖ	205606540	20152918	10-0904/17685
“INDIGO MEDIA” МЧЖ	205684708	20226918	10-0904/17700
“TECHNOBIOS PLUS” ШК	205700053	20227604	10-0904/17683
“DILSHODA-KAROMAT” ХФ	205782428	20349302	10-0904/17697
“SIM-SIM ORGANIK” ХФ	206602652	21161279	10-0904/17582
“INTERSOYA” МЧЖ	206720384	21341722	10-0904/17684
“OZTEK BIZNES TRADE” МЧЖ	300014962	21461643	10-0904/17698
“ORZU TAMIR SERVIS” МЧЖ	206833876	21488678	10-0904/17690
“SUPER TRADE PKUS” МЧЖ	300600416	22101167	10-0904/17584
“EURASIA PURSUIT” МЧЖ	300605599	22101345	10-0904/17591
“O AND S INVEST” МЧЖ	206939355	22216924	10-0904/17688
“SHERZOD TRANS” МЧЖ	206951453	22322773	10-0904/17701
“ABDUVAXID BARAKA BIZNES” ХФ	300810756	22413464	10-0904/17610
“FAYZULLO PLUS” ХФ	300826434	22413837	10-0904/17583
“AHMAD MONTAJ SERVIS” МЧЖ	300915023	22525832	10-0904/17695

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.


Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 12 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲҲАТИ


Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
“SOLIJON SERVIS” МЧЖ	205622181	10-0907/15720
“MUROD FAYZ BARAKA” МЧЖ	206201167	10-0907/15714

Мазкур корхоналар бўйича ҳозирги кунда Юнусобод туман ДСИ томонидан тугатиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу корхоналарга тегишли бўлган Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, бурчак штаплари ва думалоқ муҳрлари бекор қилинади. Манзил: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 3-хона.
Тел. 235-87-76.

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



TÜV
CERT
EN ISO 9001

РЕАЛ НАРХЛАР БҲҲИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 9 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	СТИР	ОКПО	Қарор рақами
“VODIY-UZ-UKR” МЧЖ	204356094	18878172	10-0904/17704
“HUMSON NUR” ХФ	205764630	20346108	10-0904/17729
“XUMO OLMOS MUXTOR” ХФ	205926182	2049911	10-0904/17703
“RENEANS RANDEVU” МЧЖ	206852039	21648515	10-0904/17717
“SHERZOD-TRANS-FORM” ХФ	205869088	20443142	10-0904/17734
“TAGUS-BISNES” ХФ	300095024	21462940	10-0904/17714
“VIR-SUN” МЧЖ	300986671	22580452	10-0904/17705
“DAGISH-SAVDO-SERVIS” МЧЖ	206622839	21161865	10-0904/17722
“ABDUSHUKUR FAST FOOD” ХФ	206735713	21343885	10-0904/17727
“TOSHKENT NUR FARM” ХФ	206818269	21490103	10-0904/17731
“OZDOBAXT-SAVDO” ХФ	300013655	21461610	10-0904/17736
“HILOL-KAFOLAT” ХФ	300058346	21461716	10-0904/17735
“ELEKTRENERGY MOTORS SERVIS” ШК	300139664	21463201	10-0904/17733
“SAHIH MED” МЧЖ	206940561	22219331	10-0904/17729
“YUNUS-OBOD SERVIS” МЧЖ	300080154	21462785	10-0904/17737
“DIAMOND SHINF BUSINESS” МЧЖ	300197775	21560513	10-0904/17715
“KANDONA-MUXLISA” ХФ	300221405	21560594	10-0904/17732
“BASIMO DISEGEN” МЧЖ	206939782	22217088	10-0904/17718
“VELIS-INVEST” МЧЖ	300529764	21914916	10-0904/17721
“GUFRANOV MULTI MEDIA” ХФ	300618922	22101598	10-0904/17720
“TERMO-MEX” ХФ	300627469	22101865	10-0904/17739
“TASH NATA MED SERVIS” ХФ	206940371	22219288	10-0904/17730
“I TOP SISTEM PLYUS” МЧЖ	300702099	22220877	10-0904/17706
“ZSF CAPITAL GROUP” МЧЖ	300805183	22413332	10-0904/17734
“BAHROMBEK TAOM” МЧЖ	300837800	22414096	10-0904/17728
“GULRUH TRANS SERVIS” МЧЖ	206977207	22552993	10-0904/17725
“POKISTON BIZNES LUX” МЧЖ	300971010	22535888	10-0904/17702
“VERDE MAR” МЧЖ	300977896	22536095	10-0904/17738
“GLOBAL INNOVATION STRONG HOLD” МЧЖ	300978150	22536116	10-0904/17707
“GUTA TECHNOLOGY” МЧЖ	300983977	22580417	10-0904/17723
“DUO-INVEST BIZNES” МЧЖ	206981789	22612755	10-0904/17716
“FAHRITDIN-FAYZ NUR” МЧЖ	301017016	22581189	10-0904/17719

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 1 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 11 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Чирчиқ шаҳридаги банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни жорий қилинган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами	Юридик манзили
“REAL SKAY TRADE” МЧЖ	300916694	11-0906/17219(19)	Чирчиқ ш., Х.А.Яссавий кўч., 9
“MAGNUS SAVDO” МЧЖ	206739596	11-0906/17218(19)	Чирчиқ ш., Истикбол кўч., 59а

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими М.Умаров (индекс 111700, тел.: 150-64-85, 6-26-70) тайинланган. Кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Чирчиқ ш., Темирийўлчилар кўчаси, 128а-уй, Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Ушбу корхоналарнинг бурчак штаплари ва думалоқ муҳрлари олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмайдими. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадими, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарифлар билан ёшииб туриш имкониятига эга эмас.

“Norma maslahatchi” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиши, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишига фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Буюртма 378 Адади 4912. Баҳоиси келишилган тарзда

Газета 2009 йил 18 декабрда соат 22.30 да топширилади.
ISSN 2010-5223